

## ФОРС ТИЛИДАГИ ТУРКИЙ ЎЗЛАШМАЛарНИНГ МОРФОЛОГИК МОСЛАШУВИ

**ДЖАФАРОВ БЕХЗОД**

ўқитувчи, ТДШУ

**АРИФДЖАНОВ ЗОКИР**

ўқитувчи, ЎХИА

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/ot/vol-01issue-02-08>

---

**Аннотация.** Ҳар қандай миллий тилнинг лугат таркиби, унинг жами сўз бойлиги шу миллиятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. Тилларнинг лугат таркиби ички ва ташқи ресурслар ҳисобига бойиб боради. Аксар тилларда ички ресурслар лугат таркибининг бойшинининг асосий манбаи саналади. Бироқ ташқи омиллар ҳам ўзига хос ўринга эга. Ташқи омилларга ўзлашмалар киради.

Ўзлашма – бу бирор бир тилдан бошқа бир тилга лугат бирликларининг қўчишиидир. Улар тилнинг лугат бойлигини оширади, янги ўзаклар, сўз биримлари ва терминлар учун манба бўлиб хизмат қиласади.

“Ўзлашма” мавзуси лексикологияда кенг ўрганиладиган мавзулардандир. Биз ўзлашмалар орқали контактда бўлган халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳозирда ҳам бу мавзу кўплаб лингвистик изланишларда тадқиқот объекти бўлиб келмоқда.

Ўзлашмалар бирор бир тил системасига киргач бир қанча мослашув жараёнини бошидан ўтказади. Бу мослашув жараёнлари фонетик, грамматик, семантик, график ёки услубий бўлиши мумкин. Ҳар бир мослашув алоҳида мавзу ва уларни алоҳида-алоҳида ўрганиши тақазо этилади. Булар орасидан грамматик мослашув, хусусан, морфологик мослашув алоҳида қизиқши билан тадқиқ этилади. Бу орқали бегона сўз тил системасига қай даражада ўзлашганлигини билиш мумкин.

Мазкур мақола форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг морфологик мослашувига багишланган. Унда от, сифат, равии, сон ва феъл каби мустақил сўз туркumlари орасидаги туркий ўзлашмалар ўрганилди ва уларнинг грамматик категорияларини қай даражада қабул қилиши кўриб чиқилди.

Хусусан, кўплик қўшимчалари, сўз ясалиши, даражаланиши каби хос категориялар кўриб чиқилди.

Ўзлашмаларнинг ҳозирги кунда ҳам ишлатилишини аниqlashi мақсадида мисоллар бадиий адабиёт ва интернет материалларидан олинди. Ўзлашмаларнинг маъносини яхшироқ аниqlashi учун мисоллар гап таркибида берилди. Мисол тариқасида берилган гапларнинг транскрипцияси ва таржимаси ҳам берилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўзлашма, туркий тиллар, грамматик мослашув, от, атоқли от, турдои от, сифат, сифат даражалари, феъл, сон, лексик бирликлар.

**Аннотация.** Лексический состав любого национального языка, его совокупная лексика – это явление, формирующееся на протяжении всего исторического развития этого народа. Словарный

*запас языков обогащается за счет внутренних и внешних ресурсов. В большинстве языков внутренние ресурсы являются основным источником пополнения словарного запаса. Однако внешние факторы также играют роль. К внешним факторам относятся заимствования.*

*Заимствование – это перенос словарных единиц из одного языка в другой. Они увеличивают словарный запас языка, служа источником новых основ, фраз и терминов.*

*Тема «заимствование» является одной из наиболее широко изучаемых тем в лексикологии. Мы можем узнать об отношениях между контактирующими народами через заимствование. Поэтому эта тема до сих пор является предметом исследования во многих лингвистических исследованиях.*

*Когда заимствованные слова входят в языковую систему, они проходят несколько процессов адаптации. Эти процессы адаптации могут быть фонетическими, грамматическими, семантическими, графическими или стилистическими. Каждая адаптация является отдельной темой и нуждается в отдельном изучении. Из них с особым интересом изучается грамматическая адаптация, в частности морфологическая адаптация. Благодаря этому можно узнать, в какой степени иностранное слово было поглощено языковой системой.*

*Данная статья посвящена морфологической адаптации тюркских заимствований в персидском языке. В нем были изучены тюркские заимствования между независимыми группами слов, такими как существительное, прилагательное, форма, число и глагол, и была изучена степень, в которой они приняли грамматические категории.*

*В частности, были рассмотрены категории, характерные для категорий слов, такие как аффиксы множественного числа, словообразование и степени прилагательных.*

*Были взяты примеры из художественной литературы и онлайн-материалов, чтобы определить, используются ли заимствованные слова сегодня. Примеры были даны в структуре предложения, чтобы лучше определить значение заимствованных слов. Транскрипция и перевод предложений также были приведены в качестве примеров.*

**Опорные слова и выражения:** заимствование, грамматическая адаптация, существительное, имя собственное, имя нарицательное, прилагательные, степени прилагательных, глагол, число, лексические единицы.

**Abstract.** *The lexical composition of any national language, its total vocabulary, is a phenomenon that is formed throughout the entire historical development of this nation. The vocabulary of languages is enriched by internal and external resources. In most languages, internal resources are the main source of vocabulary replenishment. However, external factors also play a role. External factors include borrowing.*

*Borrowing is the transfer of vocabulary from one language to another. They increase the vocabulary of the language, serving as a source of new stems, phrases and terms.*

*The topic of "borrowing" is one of the most widely studied topics in lexicology. We can learn about the relationships between contacting nations through assimilation. Therefore, this topic is still the subject of research in many linguistic studies.*

*When loanwords enter the language system, they go through several processes of adaptation. These adaptation processes can be phonetic, grammatical, semantic, graphic or stylish. Each adaptation is a separate topic and needs to be studied separately. Of these, grammatical adaptation, in particular morphological adaptation, is studied with particular interest. By this way, we can find out to what extent a foreign word has been borrowed to the language system.*

*This article is devoted to the morphological adaptation of Turkic borrowings in Persian. In it, Turkic loanwords between independent word groups such as noun, adjective, form, number, and verb were studied, and the extent to which they adopted grammatical categories was studied.*

*In particular, categories specific to the categories of words were considered, such as plural affixes, word formation and degrees of adjectives.*

*Examples were taken from fiction and online materials to determine if loanwords are in use today. Examples have been given in sentence structure to better define the meaning of loanwords. Transcript and translation of sentences were also given as examples.*

**Keywords and expressions:** loanword, grammatical adaptation, noun, proper noun, common noun, adjectives, degrees of adjectives, verb, number, lexical units.

**Кириш.** Туркий забон халқлар - турклар, озарбайжонлар, туркманлар, қашқайлар ва бошқалар азалдан форсий забон халқлари билан бир чегарада яшаб келишган. Уларнинг ягона дини, деярли бир хил урф-одатлари бор. Бу халқлар ўртасида асрлар давомида мавжуд бўлган алоқалар натижасида мингга якин лексик бирликлар туркий тиллардан форс тилига ўтди ва туркий халқлар ҳам қўплаб форсча сўзларни ўзлаштирилар<sup>1</sup>.

Хозирги форс тилидаги туркий тиллардан кирган ўзлашмалар бошқа арабий ва европа тилларидан кирган ўзлашмалар сингари форс тили луғат таркибидан муқим ўрин олиб бўлган. Маълумки, ҳар қандай тилда ўзлашган бегона тил унсурлари, янги тил мухитида узоқ муддатли мослашув жараёнини бошидан кечиради. Бу мослашув жараёни тил системасининг турли таркибий босқичларида амалга ошади. Одатда бегона сўз янги тил мухитида фонетик, график, маъновий, грамматик ва услубий босқичларда мослашув жараёнини бошдан кечиради<sup>2</sup>.

Туркий ўзлашмалар ҳам мана шундай мослашув жараёнини ўтказган. Бу мослашув жараёнлари узоқ муддатли жараён бўлиб, то янги сўз ёки бирикма тил системасининг ҳамма босқичларида ўз ўрнини топмагунча ўзлаштирувчи тил системасига сингиб кетмайди.

**Мақсад ва вазифа.** Мазкур кичик илмий тадқиқотнинг мақсади ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг морфологик мослашувини ўрганиш ва уларнинг грамматик категорияларини қай даражада қабул қилишини аниқлаш.

**Усуллар.** Тадқиқот усуллари сифатида грамматик таҳлилдан фойдаланилиб, асосан ўзлашмалардаги морфологик мослашуви ўрганилди.

**Натижа ва мулоҳазалар.** Туркий ўзлашмалар форс тили луғат таркибидан жой олгач, грамматик мослашувнинг бир босқичи бўлган морфологик мослашув жараёнини бошидан кечиради.

Морфологик мослашувда туркий тиллардан ўзлашган сўз туркуми, форс тилида шу сўз туркумiga оид грамматик категорияларга мослашади. Бунда, агар ўзлашма от сўз туркумiga оид бўлса қўплик категорияси, отдан сўз ясаш усулларига, сифат сўз туркумiga оид бўлса сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражасига ва сўз ясаш модделларига, феълга тегишли бўлса феълнинг сўз ясаш, замон, майл ва нисбат категорияларига мослашади<sup>3</sup>.

Тўпланган мисоллар шуни кўрсатадики, ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмалар куйидаги сўз туркумларда учратиш мумкин:

**От. اسم- esm.** От сўз туркуми морфологиянинг энг муҳим бўлаги ҳисобланади ва у предметнинг номини англатади. Ҳозирги форс тилида от сўз туркумiga оид туркий тиллардан кириб келган қўплаб ўзлашмаларни учратишимииз мумкин. Масалан:

<sup>1</sup> Guliyev, E. I. Persidskaya poeziya i tyurkskiye zaimstvovaniya [Persian poetry and Turkic borrowings]. In orgkomitet konferentsii, 2016, pp. 91.

<sup>2</sup> Quronbekov A., Nuriddinov N. Fors tili leksikologiyasi. -Toshkent, 2019. -B. 76.

<sup>3</sup> Quronbekov A., Nuriddinov N. Fors tili leksikologiyasi. -Toshkent, 2019. -B. 78.

فیچى	<i>yeyči</i>	қайчи
چاقۇ	<i>čāyu</i>	пичок
دشك	<i>došak</i>	тошак
قابلمه	<i>γāblame</i>	кастрюлка
اطاق	<i>otāy</i>	хона

Форс тилида ҳам отлар маъно жиҳатидан икки турга бўлинади: турдош ва атоқли отлар. Ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмаларни биз ҳар иккаласида ҳам учратишимииз мумкин:

1) Турдош отлар (اسم عام). Ҳозирги форс тилидаги жуда ҳам кўп туркий ўзлашмалар турдош отларга мансубдир. Масалан:

تسمه	<i>tasme</i>	тасма
بغچه	<i>boyče</i>	тугун, буқча
تانبه	<i>tolombe</i>	насос
الك	<i>alak</i>	элак
گمرک	<i>gomrok</i>	божхона

عمو بقچه اش را بر داشت و گفت: "من رقم، شاید به کله ام زد و دو باره برگشتم". (غلامحسین ساعدی: راز)  
*amu bāyčeasrā bar dāšt va goft: "man raftam, šāyad be kalleam zad va do bāre bar gaštam".*

Амаки тугунини кўтарди ва деди: "Мен кетдим, эҳтимол бирдан миямга урдими, яна уйга қайтдим".

او هم پیاده شد، تلمیه را آورد. (جلال آل احمد: ستار)

*u ham piyode šod, tolomberā āvard.*

У ҳам тушди ва насосни олиб келди.

Юқоридаги жумлаларда بقچه ва تلبه сўзлари туркий тиллардан ўзлашган турдош отлардир.

2) Атоқли отлар (اسم خاص). Туркий ўзлашмалар орасидан бир қатор атоқли отларни ҳам учратишимииз мумкин. Улардан бири эркак ва аёлларнинг исмлари:

بهادر	<i>bahāder</i>	سنجر	<i>sanjar</i>
ارصلان	<i>arślān</i>	جیران	<i>jeyrān</i>
افشار	<i>afşār</i>	آیدین	<i>āydīn</i>
تمور	<i>temur</i>	قلیچ	<i>yelič</i>

Шунингдек, ўзлашмалар орасида турли топономик ва географик жойлар номлари ҳам мавжуд. Масалан:

اڭ داغ	<i>āydāy</i>	Оқ тоғ (Ордебеҳешт ўстонида жойлашган 4867 гектарли худуд)
آقا قابا	<i>āy γāyā</i>	Оқ қоя (Эрон шимолидаги ғорлардан бири)
تشلاق	<i>tashlāy</i>	Тошлиқ (Курдистондаги дарё)
قرزل اووزن	<i>yezel ozan</i>	Қизил ўзан (Зенджондаги дарё)

Ҳозирда ҳам Эрондаги баъзи тоғлар, дарёлар, ғорлар, шаҳар ва қишлоқларга туркий номлар берилганини кўришимиз мумкин.

Андалылардың көмкөйлөрінде, қызылордадағы түрк мәдениетінде де күплик күштілік анықталған. Одан соң күплик күштілік анықталған. Масалан:

أَرْه، يَكِيشُونْ بِي مَعْرِفَةٍ كَرِدَ بُودَ مِنْ دُوْتَا ازْ قَرْقَى هَاشْ رَا قَرْ زَدَمْ. ( جلال آل احمد: جشن فرخنده )

*āre, yekişun bi marifati karde bud, manam du tā yeryihāšrā yor zadam.*

Ха, улардан бири тарбиясизлик қылган эди, мен ҳам қырғыларининг иккитасини ўғирлаб олдим.

Ушбу жумладаги сүзи һа قرقى сүзи күплик күштілік анықталған:

قرقى+ها ← قرقى ہا

Шунингдек, туркий тиллардан ўзлашкан отлар -ان -ān күплик күштілік анықталған ҳам қабул қылиши мүмкін:

آقیان کنار بروید که من نمی خوا هم مرتكب گناه بشوم، بنده مبتلا به آنفلو آنزا شده ام . (خسر و شاهینی: همسفر)

*āgāyāñ kenār beravid ke man nemixāham mortakeb-e gonāh bešavam, bande mobtalā be ānfoluānzā šodeam.*

Оғалар тезроқ ўтинг. Мен гунохкор бўлиб қолишни хоҳламайман. Мен гриппга чалингманман.

Ушбу жумладаги آقا سۇزى ان کүплик күштілік анықталған:

آقا + آن ← آقیان

Бундан ташқари арабий күплик категорияси орқали ҳам туркий ўзлашмаларнинг күплик шакли ясалиши мүмкін. Масалан: ات at күплик күштілік

ایل + ات ← ایلات

بیلاق+ات ← بیلاقات

Баъзи бир туркий ўзлашмаларнинг арабий синиқ күплик формаси ҳам мавжуд. Аммо бу каби күплик ясалиши ниҳоятда кам учрайди.<sup>4</sup>

خان	خوانین	xavānin	خونلار
ترک	اتراک	atrāk	турклар
ترکمان	تراکمه	tarākame	туркманлар

آخرین خوانین بکش، ولی خان کیانی فرزند عبدالله خان و محمد خان کیانی فرزند شکرالله خان بودند که به ترتیب در سال های ۱۳۵۱ و ۱۳۵۲ ش. در گذشته اند.

*āxerīn xavānin-e bakaš, valixān kayāniy farzand-e abdullaxān va moxamatdxān kayāniy farzand-e šokrollāxān budand ke be tartib dar sālhā-ye 1323 va 1351 š. dar gozāsteand*

Бакашнинг сўнги хонлари Абдуллахоннинг ўғли Валихон Каёний ва Шукруллохоннинг ўғли Мухаммадхон Каёнийлар олдинма-кетин 1323 ва 1351 ҳ.ш йили вафот этганлар.

Шунингдек, туркий ўзлашмалар форс тилига кириб келгач яна бир морфологик жараёнда яни, янги сўз ясалишида ҳам иштирок этиши мүмкін. Форс тилидаги туркий ўзлашма сўзлар бемалол сўз ясовчи афиксларни қабул қилиб янги отлар ясай оладилар.

نиначи	sanjāyak	سنjac
уйча	otāqak	اتاق

<sup>4</sup> Жирков Л.И. Персидский язык. Элементарная грамматика., -М. 2009.

ماشین به اندازه مختلف، یک نفره، دو نفره یا دسته جمعی ساخته می شد و کوچکترین نمونه اش به اندازه یک انفاق تلفن بود.  
 (فریدون تنکابنی: ماشین مبارزه با بیسوادی)

*māšin be andāze-ye moxtalef, yek nafare, do nafare yā daste-ye jami sāxte mišod va kučektarin natiueyaš be andāze-ye yek otāyak-e telefon bud.*

Машина турли хил, бир кишилик, икки кишилик ёки кўпчилик ўлчамда қуриларди ва энг кичик намунаси бир телефон уйчаси ўлчамида эди.

این سنjacak در زیر آب رشد می کند و می تواند تا سه سال در زیر آب بماند.(اینترنت)

*In sanjāyak dar zir-ə āb rošd mikonad va mitavānad tā se sāl dar zir-e āb bemānad.*

Бу ниначи сув остида вояга етади ва уч йилгача сув остида қола олади.

Ушбу жумлалардаги اتاق سنجاق va سنجاق سўзлари ўзига اک سўз ясовчи аффиксини қабул қилиб янги от сўз туркумiga мансуб سўз ясамоқда.

Туркий ўзлашмалар яримаффиксларни ҳам қабул қилиб янги отлар ясалиши мумкин.

эшкак эшиш

*yāyeyrāni*

قایق + رانی ← قایقرانی

клуб

*bāšgāh*

باش + گاه ← باشگاه

лагер

*ordugāh*

اردو + گاه ← ادوگاه

тутмасоз

*dogmesāz*

دگمه + ساز ← دگمه ساز

دو باشگاه استقلال و پرسپولیس تا امروز فرصت دارند اسامی خود را در اختیار فدراسیون قرار دهند. (همشهری

(№163. 2011.

*do bāšgāh esteylāl va persepolis tā emruz forsat dārand asāmi-ye xodrā dar extiyār-e federāsiyun yarār dehand.*

Икки клуб Истиқлол ва Персополис федератсияга ўз рўйхатни топшириш учун бугунгача вақтлари бор.

Ушбу жумлалардаги باش گاه яримаффиксини қабул қилимоқда.

Шунингдек, туркий ўзлашмалар компазиция усулида ҳам отлар ясалишида иштирок этишлари мумкин.

учрашув жойи

*pātuγ*

پا + توغ ← پاتوغ

кушхона

*yušxāne*

قوش + خانه ← قوشخانه

артиллерия

*tupxāne*

توب + خانه ← توبخانه

صاحبخانه ها نه جنجالی دارند و نه بچه ای که نصف شب اهل خانه را از خواب بیدار کند و نه رفت و آمد زیادی که خانه را بدل به چاپار خانه و یا کاروانسرا بسازد. ( جلال آل احمد: ستار)

*sāhebxānehā na janjāli dārand va na bačei ke nesf-e šab ahl-e xānerā az xāb bidār konad va na raft-o āmad-e ziyyādi ke xāne rā badal be čāpārxāne va yo kārvānsarā besāzad.*

Үй эгалари на шовқин солишарди, на болалари ярим кечаси ўйдагиларни ўйғотиб ва на кўплаб борди-келдилардан уйни отхонага ёки карvonсаройга айлантириб юборишарди.

Ушбу жумладаги туркий سўзи خانه қўшилиб, янги сўз ясалган.

**Сифат.** صفت - *sefat*. Белгини билдирадиган сўз туркуми сифат дейилади. Ҳозирги форс тилида сифат сўз туркумига оид туркий ўзлашмаларнинг миқдор жиҳатидан анча чекланган. Форс тилидаги туркий ўзлашмаларни ҳам аслий, ҳам нисбий сифатларда учратишимииз мумкин.

1) Аслий сифатлар.

قرл	<i>yezel</i>	қизил
ҷақ	<i>čāy</i>	семиз
коچк	<i>kuček</i>	кичик
қра, қре	<i>yarā, yare</i>	кора
диялак	<i>deylāy</i>	хуник, кўримсиз
ақ	<i>āy</i>	оқ
سوگл	<i>sugoli</i>	севимли

ننه حسن همسایه شان اسم او را "خانم سوگل" گذاشте بود. (صادق هدایت: آجی خانم)

*nane-ye hasan hamsāyešān esm-e urā "xānom-e sugoli" gozāšte bud.*

"Қўшни Ҳасаннинг онаси унинг исмини "севимли хоним" деб қўйиб олган эди".

Даёйи коҷек گфт: راستشو بگو، این پيرسگ کجا رفته؟ (غلامحسین ساعدی: راز)

*dāyi-ye kučak goft: rāstašu begu, in pirsag kojā rafte?*

Кичик тоға деди: "Тўғрисини айт, бу қари ит қаерга кетган?"

Ушбу жумлалардаги қоҷек қоҷек сўзлари туркий тиллардан кирган ҳозирги форс тилидаги сифатлардир.

Форс тилида сифат сўз туркумига ўзлашган туркий сўзлар саноқли ва аксари мустақил қўлланилмайди<sup>5</sup>. Масалан, қоҷек, қрл сўзлари асосан қўшма сўзлар ёки сўз бирикмалари таркибида келади. Намуна сифатида қоҷек қоҷек қаранапау кларнет (музиқа асбоби) сўзларини беришимиз мумкин. Ўзлашмалар бу гибрид сўзларда одатда тобе сўз бўлиб келади.

Шунингдек, туркий сифатлар қиёсий ва орттирма даражада даржаланиши ҳам мумкин. Маълумки, қиёсий даража сифатлар гап таркибида икки хил мақсадда ишлатилади ва иккала ҳолатда ҳам туркий ўзлашмаларни учратишимииз мумкин:

1. Предмет ёки шахсларни бир-бирига солиштириш учун. Бундай ҳолатда қиёсий даража сифат гапда кўпинча от кесим, ҳол вазифасида келади.

حالا دوستم از من دیلاقتراست. (اینترنت)

*hālā dustam az man delāytar ast.*

Ҳозир дўстим мендан хунукроқдир.

2. Иш-харакатнинг қай даражада бажарилишини кўрсатиш учун. Бундай ҳолатда у гапда ҳол вазифасида келади. Масалан:

اما خانم‌های چاق باید کیف‌هایشان متناسب با اندامشان باشد تا آن‌ها را چاق تر نشان ندهد. (اینترنت)

*Ammā xānomhā-ye cāy bāyad kīfhāyesān motanāseb bā andāmesān bāsād tā nesān nadehand.*

Аммо тўладан келган аёллар семиз кўринмаслиги учун уларнинг сумкалари таналарига мос бўлиши керак.

<sup>5</sup> Djafarov B. TURKIC LOANWORDS IN THE PERSIAN LANGUAGE AND THEIR LEXICAL-SEMANTIC GROUPS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 389-392.

2) *Нисбий сифатлар.* Туркий ўзлашмалар сифат ясалишида ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунда сифат ясовчи аффикслар орқали сўз ясалишида иштироклари нисбатан юқори. Хусусан, сифат ясовчи *i* аффикси орқали сифатга оид сўз туркуми ясалиши кўпроқ учраб туради.

چپقى + ئى ← چپقى  
قاچاقى + ئى ← قاچاقى  
يک مرد چپقى جواب داد: واسه من اهل محل نیست. (صادق چوبك: عدل)

*yek mard-e cāpyi javāb dād: vāsse man ahl-e mahal nist.*

Бир трубкали киши жавоб берди: “Тўғрисини айтсан, мен бу ерлик эмасман”.

يکى از دزدان ديد كه شىئى قاچاقى در زير زمين پنهان مى شد. (بزرگ علوى: شب اول زندان)

*yeki az dozdān did ke šey-ye γāčāyi dar zir-e zamin penhān mišod.*

Ўғрилардан бири ер остида яширган кантробанда нарсаларни кўриб қолди.

Ушбу жумлалардаги от сўз туркумiga мансуб бўлган قاچاق چپقى ва сўzlari ى *uāy-e nesbat* ни қабул қилиб нисбий сифатлар ясамоқда.

**Сон. عد adad.** Сон- саноқни ва таркибни билдирадиган сўз туркумидир. Одатда кўпгина тилларда сон сўз туркуми турли хил ўзлашмалардан холи бўлгани ҳолда саноқни ифодалаш учун тилнинг асл фондига оид сўzlар ишлатилади. Форс тили ҳам бундан мустасно эмас. Форс тилида сон сўз туркумida деярли туркий ўзлашмаларни учратмаймиз. Фақат баъзи сўzlаргина кириб қолган, аммо улар ҳам истемолдан чиқиб кетган.

يوزباشى  
تومان

*yuzbāshi*  
*tumān*

юзбоши  
туман, ўн минг

Бу сўzlардаги تومان یوز ۋە تومان سۆzlari узоқ تارихدا жуда ҳам қисқа доирада ишлатилган бўлиб, бундай туркий сонлар фақатгина тарихий асарларда сакланиб қолган. Масалан *tumān* сўзи ҳакида Деххудонинг “Луғатнома”сида ёзилишича, аслида сон бўлиб 10000 саноғни билдираган. Бундан ташқари бу сўз 10000 кишилик қўшинни номлашда ишлатилган яъни, 10000 кишилик қўшин تومان *tumān* дейилган ва бу қўшиннинг раҳбари امير تومان *amirtumān* деб аталган. Шунингдек, мана шу қўшинни етказиб берувчу ҳудуд ҳам *tumān* деб аталган.<sup>6</sup>

Ҳозирга келиб تومان *tumān* сўzinинг бу маъноси деярли ишлатилмайди уни фақат тарихий манбаларда учратишими мумкин. Бу сўзининг яна бир маъноси -бу пул бирлигининг ифодалашидир. Ҳозирда Эронда 10 риёлни تومان *tumān* деб аташади. Бу ҳакида Деххудонинг “Луғатнома”сида қуидагича ёзилган: “Ҳозирги риёл олдинги “қирон”нинг муодилидир ва олдинги “қирон” минг динорга тенг бўлган ҳозирда муомиладаги 10 риёл собиқ “қирон” эвазига تومان *tumān* деб аталади”<sup>7</sup>.

**Равиш قىد yeyd.** Иш ҳаракат ёки ҳолатнинг белгисини билдирадиган сўз туркумлари равиш дейилади. Форс тилида ҳам бир қанча равиш ўрнида келувчи туркий сўzlарни учратишими мумкин:

دنج	<i>denj</i>	тинч
شلوج	<i>şoluy</i>	тиқилинч
يواش	<i>yavāš</i>	секин
فاق	<i>γāy</i>	куруқ
يواش يواش	<i>yavāš- yavāš</i>	секин-секин
يالغوز	<i>yālyuz</i>	ёлғиз

<sup>6</sup> على اکبر دهخدا لغتنامه. تهران. ۱۳۱۹/۶۲۷۴.

<sup>7</sup> على اکبر دهخدا لغتنامه . تهران. ۱۳۱۹/۶۲۷۴.

دستم را زدم توی حوض که ماهی ها در رفتند و پدرم گفت:  
- کره حر! یواشترا. (جلال آل احمد: جشن فرخنده)

*dastamrā zadan tuye houz ke māhi hā dar rafteand va pedaram goft:  
-kare xar! Yavāstar.*

Қўлимни ховуз ичига тиқдим, балиқлар қочишаради ва отам деди: “Эшак секинрок”.  
Ушбу жумлада сўзи туркӣ тиллардан кирган равиш ҳисобланади.

**Феъл فعل fel.** Иш ҳаракат ва ҳолатни билдирадиган сўз туркумини феъл дейилади. Туркӣ тиллардан кирган ўзлашмаларни биз феълларда ҳам учратишимиз мумкин. Маълумки, форс тилида феъллар тузилишига кўра содда, олд қўшимчали ва қўшма феълларга ажратилади. Туркӣ ўзлашмалар ҳам бошқа арабий ва европа тилларидан кирган ўзлашмалар сингари содда ва мураккаб феъллар ясалishiда қатнашиши мумкин.

*Содда феъллар.* Форс тилида туркӣ ўзлашмалардан ясалган содда феъллар кам учрайди:

قابیدن	<i>ŷapidan</i>	тутиб олмоқ
کوچیدن	<i>kučidan</i>	кўчмоқ
ҷапидн	<i>čāpidan</i>	ўғирламоқ
тупидн	<i>tupidan</i>	дўқ қилмоқ

عشایر زاگرس به مناطق گرم خوزستان کوچیند.

*ašāyer-e zāgros be manotey-e garm-e xuzeston kučidand.*

Загросдаги қабилалар Хузестоннинг иссиқ минтақаларига кўчиб ўтдилар.

Бундай феъллар кўпинча *idان* шаклида тугайди ва ҳозирги замон негизи айнан ўзлашманинг ўзи саналади.

**Қўшима феъллар.** От ёки бошқа сўз туркумлари ва қўмакчи феъллар ёрдамида ясалган феъллар қўшма феъллар дейилади. Қўшма феъллар икки қисмдан от ва феъл қисмидан ташкил топганини инобатга олсак, бу турдаги феълларда ҳам турли ўзлашмалар, хусусан, туркӣ ўзлашмалар ҳам иштирок этиши мумкин. Умуман олганда қўшма феъллар форс тили феълларининг асосий қисмини ташкил қиласди. Туркӣ ўзлашмаларни ҳам содда феълларга нисбатан қўшма феълларда кўпроқ учратишимиз мумкин. Бунда ҳозирги форс тили луғат таркибидан ўрин олган от, сифат, равиш ва бошқа сўз туркумларига оид туркӣ сўзлар содда феъллар билан бирикиб қўшма феъллар ясади.

کشیک دادن	<i>keshik dādan</i>	қўрикламоқ
سراغ رفتن	<i>sorāy raftan</i>	сўраб бормоқ
ҷақ қрдин	<i>čoy kardan</i>	семиртирмоқ, боқмоқ
بوق زدن	<i>buq zadan</i>	сигнал чалмоқ
ҷомбатме زدن	<i>čombātme zadan</i>	чўккаласбаб ўтироқ

بالاخره خسته شدم و رو زمین چمباتمه زدم. (بزرگ علوی: شب اول زندان)

*belāxare xaste šodam va ru zamin čombātme zadam*  
Охири чарчадим ва ерга чўккаласбаб ўтириб олдим.

Раннендо سه بار دیگر بوق زد و وقتی کسی در را باز نکرد پیاده شد و پشت در رفت. (جلال آل احمد: ستار)

*rānande do se bor digar buy zad va vayti kasi dar rā boz nakard piyāde šod va pošt-e dar raft.*

Хайдовчи яна икки уч бор сигнал чалди ва дарвозани ҳеч ким очавермагач машинадан тушиб эшик ортига борди.

Ушбу жумлалардаги چباتمه بوق کابي туркий үзлашмалар زدن содда феъли билан бирикиб қўшма феъл ясашда иштирок этмоқда

**Хулоса.** Ҳар қандай үзлашма тил системасидаги қонуниятларга бўйсунади. Үзлашма кўпинча сўз кўринишида бўлади ва шу сабабли қайси сўз туркумiga оид эканликларини аниқлаш улар ҳақида батафсил маълумот тўплашга ёрдам беради.

Мазкур кичик тадқиқотда ҳозирги форс тилидаги туркий үзлашмалар морфологик жиҳатдан мослашуви муҳтасар қўриб чиқилди.

Үзлашмаларнинг асосий қисми от сўз туркумiga оид сўзлардир. Улар орасида турдош ва атоқли отлар ҳам бор. Туркий үзлашмалар отлар сингари кўплик қўшимчаларини қабул қилиши мумкин. Уларнинг кўплик шакли одатда ا و ڭ қўшимчалари орқали ясалади. Баъзида арабий кўплик қўшимчаларни қабул қилиши ёки синиқ кўплик формаси орқали уларнинг кўплик шакли ясалиши мумкин. От сўз туркумiga оид туркий лексик бирликлар сўз ясалишида ҳам бемалол иштирок этади. Улар аффикслар ва яrimаффиксларни қабул қилиб янги отлар ясами мумкин. Шунингдек, үзлашмалар композиция усулида ҳам отлар ясалишида иштирок этишлари мумкин.

Сифат сўз туркумida ҳам туркий үзлашмалар учраб туради. Хусусан, улар орасида аслий ва нисбий сифатлар бор. Шунингдек, сифатларга хос даражаланиш ҳам кузатилади.

Феъл сўз туркумida ҳам бир қанча туркий үзлашмалар бор. Бу үзлашмалар феълларга хос бўлган тусланиш ва сўз ясалиши каби жараёнларда бемалол қатнаша оладилар.

Шунингдек, кичик тадқиқотимизда равиш, сон ва феъл сўз туркумларига оид туркий үзлашмалар ҳам аниқланди. Бу сўз туркумларидағи үзлашмалар сон жиҳатидан жуда кам.

